

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 35 (9.838)

2003 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛЬ

МУЗЕЙ БИЛАН ТАНИШУВ

19 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Мазкур музей 1992 йили ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан биридир.

Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метрни эгаллаган ва беш мингга яқин ноёб экспонат жамланган ушбу музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунигача бўлган улкан тарихидан ҳикоя қилади.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Таклифларини айтди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукамал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

— Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсақ, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбига фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак, — деди Ислом Каримов. — Бизнинг вазифамиз эса буюқ тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўла-лиғича етказиб беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

(ЎЗА)



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Орзу — ош тузи» шўба корхонасида тайёрланаётган тузлар сифати билан аллақачон ўз харидорларини топиб, уларни мамнун қилмоқда. Айниқса, жамоа тadbirkorлари томонидан олий навли «Шифобахш» деб номланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги эътиборга лойиқ.

СУРАТДА: корхона лабораториясининг ёш, малака-ли ходими Дилноза Алимова.

XXI сағдоси Хаср

Барча макбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Кеча** Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган муҳим вазифалардан бири — ижтимоий сиёсатни ривожлантириш бўйича тузилган кичик гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республика миллий матбуот марказида «Хусусий секторни ривожлантириш — устувор йўналиш» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Юртбошимизнинг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодийотида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши муҳокама қилинди.

● Давлат солиқ кўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида ўтган йили ушбу соҳада амалга оширилган ишлар ташкил қилиниб, 2003 йилги вазифалар белгилан олинди.

● Сурхондарё вилояти Олтинсой туман марказида 800 ўқув ўрнига эга касб-хунар коллежи Наврўз байрамида фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

● «Ҳамкорбанк» акционерлик-тижорат банки иқтисодийотнинг хусусий секторини кўллаб-қувватлашга бағишланган мақсадли дастурини ишлаб чиқди. Дастурга кўра банкнинг жойлардаги барча бўлимлари шу йўналишда фаолият кўрсатади.

● Хатирини туманидаги 11, 14-мактабларга Япония давлатининг таълим грантлари ажратилди. Унга кўра ҳар иккала ўқув даргоҳи замонавий ўқув дастгоҳлари, компьютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди.



Жаҳонда

● Бельгияда самарқандлик болалар чизган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

● Халқаро Нобель мукофоти кўмитаси бу йилги номзодлар рўйхатини эълон қилди.

● Утган йили Россия Федерацияси 4,8 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги қурут ва ҳарбий техникаларни хорижга экспорт қилди.

● Покистон жанубида юз берган кучли ёнғинларнинг натижасида 46 киши ҳалок бўлди, кўпала ўйлар хабарога айланган.

● 2002 йил якунлари бўйича Хитойда янги автомобиль йўлларини куриш учун 300 миллиард юан (36 миллиард АҚШ доллари) ҳажмидаги маблағ ишлатилди. Натижада мамлакат бўйича 60 миң километр узунликдаги янги йўллар курилиб ишга туширилди.

● Франциядаги Air France авиакомпанияси учувчилари ойлук машининг оширилишини талаб қилган ҳолда 4 кунлик намоишини бошлашди.

«ЭКСПО-2005»ГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 2005 йилнинг 25 мартдан 25 сентябргача Япониянинг Аичи префектурасидаги Сето, Нагакуте ва Тойота шаҳарларида ўтказиладиган «ЭКСПО-2005» Жаҳон кўргазмасида Ўзбекистоннинг иштирокига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Аичидаги кўргазма 2000 йилнинг 15 декабрида Париждаги Халқаро кўргазмалар бюроси (ХКБ) томонидан рўйхатдан ўтказилган, — деди «Ўзэкспомарказ» директори Бахтиёр Эрматов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Ўзбекистон 1997 йилнинг июнидан буён ХКБнинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон 2001 йилда биринчилардан бўлиб «Экспо-2005» жаҳон кўргазмасида катнашиш истагини билдирди.

— Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида биринчи марта Тежон (Корея республикаси) шаҳрида бўлиб ўтган «Экспо-1993» жаҳон кўргазмасида катнашган эди, — деди тақдиротда сўзга чиққан Ўзбекистон бosh вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев. Иккинчи марта бундан кўра Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган «Экспо-2000» ҳисобланади.

2005 йилда ўтказиладиган «Табиат донолиги» мавзусидаги анжуман инсоният XXI асрда дуч келаятган муаммоларни ёритишга ва халқаро кўргазма воситасида ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўллари-ни излаб топишга қаратилган.

Э. Фаниевнинг айтишича, Япония ва Ўзбекистон ўрта-сидаги савдо ва маданий алоқалар Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива орқали Осиёдан Европага карвонлар ўтган узоқ асрларга бориб тақалади.

Тақдиротда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси Акио Кавата сўзга чиқиб, ушбу кўргазманинг бутун жаҳон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. У беш йилда бир марта ўтказилиб, саноат инкилобининг сўнги ютуқларини ҳар тарафлама намойиш этишга имкон беради.

Аичидаги 173 гектар майдонда ўтказиладиган жаҳон кўргазмасида атроф-муҳит, энергетика ва табиий захира-лар, аҳолишунослик, ахборот технологиялари ва биология-фанида эришилган ютуқлар намойиш этилади. Кўргазма-га жами 15 миллион, шу жум-ладан бир миллион хорижий томошабинларнинг келиши тахмин этилмоқда.

Ўзбекистон кўргазмаси-ни тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда мамлакатимизнинг бе-тактор табиати, минтақа ҳай-вонот ва ўсимлик дунёси, фойдали қазилма бойлиқла-ри, халқимизнинг урф-ода-т ва қадриятлари ўз аксини то-пади.

«Туркистон-пресс»

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунги Янгиликлар, воқеалар

Қисқаларда

□ **БУГҮН** «Оқшом» газе-талари таҳририятида «Тош-кент» телеканали билан ҳам-корликда «Обод маҳалла йили» дастурининг ҳаётга тат-биқ этилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари ва-киллари иштирок этди.

□ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳри-ни 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлашти-ришининг асосий йўналишлар-ига бағишланган шаҳар фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

«ТАШАББУС — 2003»

Кучлилар аниқланди

Собир Раҳимов туманида «Ташаббус-2003» кўрик-тан-лови бўлиб ўтди.

Ушбу тadbirkor туманда фаолият кўрсатаётган 7 нафар тadbirkor ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини, 7 нафар хунарманд ясаган буюмларини намойиш этиб, 4 босқич асо-сида ўзаро беллашдилар.

Ҳайъат аъзолари танлов иштирокчиларининг чиқишлари-ни шартлар бўйича баҳолаб, Шарофиддин Ғофуров раҳбар-лик қилаётган «Орзу — ош тузи» шўба корхонасини «Энг яхши тadbirkor», нақош ва лак миниатюраси устаси Камолиддин Шомансуровни эса «Энг яхши хунарманд» номи билан қўлла-дилар. Фолиблар ташкилотчилар томонидан ажратилган қим-матбаҳо совғалар билан тақдирланди. Улар танловнинг шаҳар боқичида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

8. Биринчи устувор йўналиш: мустақилликни мустаҳкамлаш

Буни Президент Ислам Каримов «энг асосий, энг муҳим устувор мақсад» сифатида талқин этди. Чунки бу – мустақиллик бизга, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгаллик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойлиқларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш дегани.

Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш деган вазифага амалда нималар киради?

- Мамлакатимиз раҳбари буларни аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтди:
 - зиммамизга олган халқро мажбуриятларни бажариш;
 - БМТ Низоми талабларига, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиш;
 - узоқ-яқин қўшиларишимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш;
 - мустақил тараққиётни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодий модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислохотларимиз мезони деб билиш.

Кимдир давлат раҳбари ўртага ташлаётган бундай улусвор вазифаларни давлатнинггина иши деб тушуна, хато қилади. Чунки, биринчидан, халқ давлат амалга ошираётган сиёсат моҳиятини тегинан англаши, иккинчидан, уни тушушдан ҳолда маъқуллаши, учинчидан, шу сиёсатни ҳаётга татбиқ этишга бевосита ҳисса қўшиши, тўртинчидан, истиқлол даврининг истибод замонида ҳар тарафлама устун жиҳатларини эҳтиёт билан қадрига етиши лозим.

Фуқаролик жамияти тушунчаси моҳиятида шу маъно ҳам ётади.

9. Иккинчи устувор йўналиш: хавфсизлик ва барқарорлик

- Бу:
- мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни;
 - давлатимизнинг худудий ялтилигини;
 - сарҳадларимиз дахлсизлигини;
 - фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига, халқро террорчилик ва нарқобизнесга қарши изчил ва муттасил кураш олиб бориш керак.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Экстремизм, ашаддий ақидапарастлик, халқро террорчилик, нарқобизнес ташқи таҳдидларга кирса, ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатларда намён бўлаётган ички таҳдидлар ҳам мавжуд. Булар – коррупция, яъни уюшган жиноятчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик. Буларга қарши курашилмас, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш оғир кечади.

10. Учинчи устувор йўналиш: эркин иқтисодиёт

Жамиятни эркинлаштиришнинг асосий шартларидан бири – эркин бозор муносабатларини шакллантириш. Бунинг учун бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарт бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш шарт.

Бу мақсадларга эришиш учун нималар қилиш керак?

Президент Ислам Каримов буларни бир-бир кўрсатиб ўтди:

- ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг маъноси янада ошириш;
- кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантириш;
- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш;
- миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш;
- сўммимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш;
- экспорт ривож, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариши таъминлаш учун хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этишни кучайтириш;
- бу мақсадларга эришиш йўлида халқро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашув, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун шарт-шароитларни яратиш зарур.

Шу вазифалар амалга оширилганда биз собиқ тузумдан мерос сифатида яшаб келаётган қолип ишлаб чиқариш муносабатларидан халос бўлиб, рақобат асосида ривожланадиган иқтисодий тизим яратамиз. Четга маҳсулот экспорт қилиш ҳам, импорт ўрнига ўз маҳсулотларимизни бозорга чиқариш ҳам амалда ишлаб чиқаришдаги кўпроқ фойдани ўз қўлимизга киритиш деган гап.

(Давоми келгуси сонда)

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимизнинг маърузаларини тинглаб эканмиз, айнан дилимиздаги гаплар айтилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бугунги кун талаби

Юртбошимиз ўтган йилги иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, уни барқарор ва муносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб борилганлигини таъкидлаш баробарида, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган, ислохотларни амалга ошириш йўлида тўсиқ бўлаётган айрим масала ва муаммолар хусусида батафсил тўхтадилар.

Мен ва жамоадoshларимнинг эътиборини жалб этган масала, албатта корхоналар хусусидаги гаплар бўлди. Буни ўз корхонамиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биз ҳам бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бошимиздан кечирдик. Лекин раҳбарларимизнинг тадбиркорлиги, малакали мутахассисларимизнинг изланишлари боис бугунги кунда анча ўзимизни ўнгалдик олдик. Давлатимиз берган имкониятдан оқилона фойдаланиб, маҳсулотнинг янги харидорлар турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Мен раҳбарлик қилаётган телевизор йиғиш цехида 27 нафар малакали ишчи меҳнат қилади. Ўтган йилда биз «Фотон-Тошкент» деб номланган рангли телевизорларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Эътиборли томони шундаки, ушбу маҳсулотимиз, сифати, рақобатбардошлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда. Шу билан бирга четдан келтириляётган ана шундай телевизорларга нис-

батан 25-30 фоиз арзондир. Айни кунларда ана шундай телевизорларнинг 3 хил турини ишлаб чиқараёلمиз. Ҳозирда маҳсулотнинг асосий бутловчи қисмларини Жанубий Кореядан олаётган бўлсақ, келгусида уларнинг 30 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарамиз. Бунинг учун тажриба ва имкониятларимиз етарли. Шуниси қувонarliки, маҳсулотимизнинг 2 йиллик қафолати бор.

Корхонамиз маҳсулотларининг маълум қисми Россия ва Украина давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Албатта, биз бундай ютуқларга, бозорни ўрганиш, унинг талаблари асосида иш юритиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш, қадрлар малакасини ошириб бориш туфайли эришяёмиз. Энг муҳими, маҳсулотнинг турларини харидор диди ва талабларидан келиб чиқиб яратаяёмиз.

Албатта ҳар бир корхона аҳли бугунги кун талаблари асосида тадбиркорлик билан фаоли юртыса, зиммасидаги маъсулятини сезса, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида интилиса, иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшган бўлади, деб айта оламиз. Зеро, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш эртанги фаровон ҳаётимизни таъминлайди.

Тўра НАСИМОВ,
«Фотон» акциядорлик жамияти
цех бошлиғи.

• «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН»

Бугунги кунда мамлакатимиз истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлашда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларнинг ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда.

РАНГ-БАРАНГ ВА СИФАТЛИ



Негаки ҳозирда бозор айлансангиз, дўконларимизга кирсангиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланган, сифатли, хориждан келтириляётган баъзи бир сифатсиз, чидамсиз маҳсулотлардан юз бора афзал, рақобатбардош маҳсулотларни кўриб, уларни иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшиш, халқимизни импорт ўрнини босувчи товарлар билан таъминлаш ниятида ишлаб чиқараётганидан бениҳоят мамнун бўласиз.

Пойтахтимизда ана шундай жамоалар сони кўпайиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ортиб бормоқда. Бу, албатта, тадбиркорларга юртимизда яратилган шарт-шароитлар уларнинг ҳумосига қаратилган катта эътибор туфайлидир.

Чилонзор туманида ишлаб чиқариш билан шугулланаётган корхоналар ўртасида «WOOSUNG Co» шўъба корхонасининг ўрни алоҳидадир. Бунинг боиси фаолият бошлаганига икки йил бўлган жамоада тайёрланаётган маҳсулот – кўриниши, сифати билан хорижийдан асло қолишмайди, харидор талабини қондираётган турли ҳажмдаги юпқа ва қалин сочиқ ва салфеткаларнинг ички бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаётгандир.

Корхонада 18 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, маҳсулот тайёрлаш учун мўлжалланган тўқув ва тикув цехлари Жанубий Кореядан келтирилган замонавий даст-гоҳлар билан жиҳозланган. Энг муҳими улар маҳаллий хом ашё – шахримиздаги «Кобул – Узбек Со» қўшма корхонасида сифатли пахтадан ишлаб чиқариляётган жаҳон андозалари даражасидаги ип-калавдан рақобатбардош маҳсулот тайёрлашаётгандир.

Фаолиятимизнинг ўтган даврида республикамиздаги «УЗДАЕВОО АВТО», «Кобул-Узбек Со», «ДАЕВОО UNITEЛ» сингари қўшма корхоналарнинг бюртмаларини муваффақият билан адо этишга му-

ваффақ бўлдик, — дейди корхона директорининг ўринбосари Елена Арутюнова. — Шунингдек, Тошкент вилоятининг Чорвоқ сув омбори бўйида қад ростлаган «Чорвоқ» соғломлаштириш оромгоҳи учун 1,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бердик. Айни кунларда эса пойтахтимиздаги «Узбекистон» меҳмонхонаси бюртмаси асосида 13 миллион сўмлик турли ҳажмдаги сочиқ ва салфеткаларни ишлаб чиқармоқдамиз.



Бугунга келиб корхона маҳсулотларининг сони 10 турдан ҳам ортиб кетди. Айниқса, оилавий, болалар учун, спорт сочиқлари ва турли рангдаги салфетка-сочиқлар харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона тадбиркорлари бозорни ўрганиш асосида иш юритади. Шу боис ҳам жорий йилда маҳсулот турларини янада кўпайтириш режаланмоқда. Бунинг учун эса замонавий дастгоҳлар келтириш, бўяш цехини очиб қўзда тутилмоқда. Бу борода корхонанинг таъсисчиси ва бош мутахассис Ким Баенинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ўтган йилда жамоа ишчи-

хизматчилари томонидан 62 минг дона маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич бир неча баробарга оширилди. Чунки бозор ва дўконларимизда ўзимизнинг сифатли, сертификатланган товарларга талаб ортиб бормоқда. Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йилги йиғилишида Президентимиз ўз маърузаларида мамлакатимизга четдан сифати паст, усти ялтироқ, ичи қалтироқ товарлар олиб кирилишига жиддий тўсиқ қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда «Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларни ўз худудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва бунинг учун барча керакли шариоитни яратишимиз керак. Бу бизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифамизга айланиши шарт» дедилар. Бундан тўғри хулоса чиқарган корхона мутахассислари янги маҳсулот — аёллар ва эркаклар учун халатлар тикишга ҳаракат қилишяпти. Насиб этса, жорий йил ўрталарида бу янги турдаги маҳсулотлар харидорларга тортиқ этилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ички бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан таъминлаётган бўлсақ, — дейди Елена Арутюнова, — яқин келажақда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб «Узбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотларимизни қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш ниятидамиз. Албатта, жаҳон бозорига чиқиш осон эмас. Бунинг учун маҳсулот сифатини янада ошириш, кўпроқ изланиш лозим. Аввало маҳсулотларимизни ўзимизнинг харидорларга манзур этиш, ички бозорда ўрнини топиш — биз учун энг муҳими.

Шарифа ИЛЕСОВА СУРАТЛАРДА: корхонанинг тўқув цехи илгори **Роъзалия Зиятдинова** касбига меҳр қўйганлардан; **корхона маҳсулотлари.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Тадбирлар

Мурожаатномадан руҳланиб

Собир Раҳимов туманидаги «Табассум» маҳалласи Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган.

Куни кеча «Табассум» маҳалласи маърифат ва маданият хонасида маҳалла фаоллари ва уй бошқарувчилари иштирокида «Маҳалланг обод — Ватан обод» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни маҳалла оқсоқоли, ҳажвчи шоир Тўланбой Қўзибоев олиб борди. У юртимизга Обод маҳалла йилининг баҳори яқинлашиб келаётгани, табиатнинг уйғониш фасли бошланаётганини таъкидлаб, маҳалла фуқароларига баҳорий хушайфият тилади.

Давра суҳбатида «Табассум» ширкати раҳбари Ф. Бадалхожаев, уй бошқарувчилари Э. Юнусов, Р. Жуманов, Ф. Раҳимова, А. Ҳақимов, Р. Мечникова, Ш. Шарифўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб Обод маҳалла йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, «Табассум»ни янада гўзал гўшага айлантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида маҳалла оқсоқоли барча маҳалладошларга мурожаатномадан шундай дейилади: «Азиз маҳалладош! Мана, Обод маҳалла йилининг муборак баҳори яқинлашяпти. Баҳор дегани бу — уйғониш, гўзаллик, яшариш, янгиланиш фасли. Шундай экан, бизнинг хондонларимиз, уйларимиз, маҳалламиз ҳам баҳорона, қолаверса, маҳалламиз номига мос табассумона руҳда бўлса деймиз. Бу эса сизу бизнинг саъй-ҳаракатимизга боглик. Сизлардан

Энг обод маҳалла

Энг обод хонадон

Энг обод уй учун бошланган умумхалқ тадбирида фаол иштирок этишингизни сўраймиз».

Абдуҷалол КОДИРОВ,
«Табассум» маҳалласи фаоли.

Келгуси режалар

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида «Янги Камолон» маҳалласида «Энг обод маҳалла», «Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш» мавзуларида тадбир бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рихсатилла Ақромов, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси Абдувосит Расулворон Обод маҳалла йили муносабати билан қилиниши лозим бўлган амалий ишлар ҳақида гапириб ўтдилар.

Шундай тадбирлар ани пайтада тумanning барча маҳаллаларида ўтказилмоқдаки, бу келгусидаги режаларни белгилаб олишда катта аҳамиятга эга.

(Ўз мухбиримиз)

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари режа асосида фаолият кўрсатишмоқда. Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари пойтахт ёшлари ҳаётини ўрганиш борасида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими қошидаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Тошкент шаҳар кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари — бир гуруҳ депутатларнинг пойтахтдаги мактаблар, коллеж ва лицейларнинг талабалари билан ташкил этган давра суҳбатлари иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги Юртбошимиз маърузаларида кўтарилган етти та устувор йўналишларни келажак авлод онгига синдириш, ўзаро фикр алмашиш мақсадида уюштирилди. Очiq мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида кўпга кизиқарли мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар доимий комиссия фаолияти хусусида ёшларга тушунча беришди, иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида белгиланган устувор вазифалар — Мустақиллиқни мустаҳкамлаш, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлиги, фуқароларнинг тинчлик ва оқойишталигини таъминлаш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сўз ва матбуот эркинлигини, ошкоралиқни амалий ҳаётда жорий қилиш, жамият ҳаётида жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш каби муҳим йўналишларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини ҳаётий мисоллар орқали баён қилишди.

Учрашувида ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, кўпга ўринли тақлифлар билдирди.

Давра суҳбати давомида ёшлар саволларига депутатлар томонидан жавоблар қайтарилди. Бундай учрашувларни келгусида ҳам ўтказиб туришга келишиб олинди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: «Бунёдкор» ёшлар телеклубида шаҳар Кенгашининг депутатлари ва пойтахт ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатидан лавҳалар.

Е. Ботиров олган суратлар.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Давра суҳбати



• 2003—ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Юртбошимиз ташаббуслари билан эълон қилинган Обод маҳалла йили бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга ошириш жойларда қизгин бошлаб юборилди.

Жумладан куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган йиғилиш ҳам «Обод маҳалла йили» дастурини амалга оширишда ҳамда ёш қизлар ва оилалар ўртасида спортни кенг оммалаштиришда хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари» мавзусига бағишланди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова олиб борди. Унда шаҳримиздаги туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари, маҳалла фаоллари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, болалар спортни жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда катнашган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова сўзга чиқиб, «Обод маҳалла йили» дастурига асосан оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, кам таъминланган оилаларга эътибор қаратиш, маҳаллалардаги маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш, болалар спортини ривожлантириш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, тўй-ҳашам ва маросимларини мейёрида, ихчам ва тартибли ўтказиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Р. Ақромов, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбари А. Толибонов, Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий шифохона бош шифокори Д. Мирасланова ва бошқалар ҳам «Обод маҳалла йили» дастурини амалга оширишда ёш ва кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Шу билан бирга ёш қизлар ва оила-

лар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича қилинадиган ишлар ҳам муҳокама этилди. Ҳар бир маҳаллада 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган қизларга алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг саломатлигини, ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамоллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган спорт турларига жалб этиш вазифалари белгилаб олинди. Шунингдек, анъанавий удмурал, тўй, маъракалар ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, уларни тежамкорлик билан ўтказишда хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла фаолларининг, имом-хатибларнинг роли ниҳоятда катта эканлиги таъкидланди. Хусусан, шаҳримизда тўй- маърака ва бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказишга келишиб олинди. Йиғилиш қизгин савол-жавоб, баҳр-мунозаралар остида ўтиб, кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Йиғилишда қатнашчилари «Обод маҳалла йили» дастури халқимизнинг моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётининг барча томонларини кенг қамраб олганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини эътироф этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

◆ **Хотима ШАЙХОВА, профессор:**
— Бугунги анжуманининг асосий мақсади «Обод маҳалла йили» дастурини амалиётга таъбиқ қилиш йўллари бағишланди. Ушбу дастурда белгилаб берилган масалаларни амалга оширишда аёлларнинг роли ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам йиғилишга фаол аёллар тақлиф қилинган. Анжуманда сўзга чиққанларнинг асосий мақсади ҳам удмураларимизни — тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш, сифографикликка йўл қўймаслик, ҳар бир оилга турли маросимларни ўтказиш имкониятларини яратиш, яъни ҳар бир оиланинг манфати назарда тутилди.

Иккинчи масала — ёшларни, қизларни спортга жалб қилишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Хуллас, ушбу анжуман ўз вақтида ўтказилиб, «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш аниқ белгилаб олинди. Энг му-

ҳими ўтказиладиган ҳар бир тадбир ва ушбу вазифаларни бажаришда аёллар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилди. Йиғилиш қатнашчиларининг дастурга муносабатлари ва мамнуликлари аниқ кўриниб турди. Энг қувончлиси, «Обод маҳалла йили» дастурини ҳаётга таъбиқ қилишни ҳар бир оиладан бошлашга алоҳида аҳамият берилди.

◆ **Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА, Миробод тумани «Салор» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси:**

— «Обод маҳалла йили» деган ибора замирида жуда чуқур маъно бор. Обод деганда нафақат шаҳримиз, маҳалламиз, балки халқимиз, миллатимиз кўркам, чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва оқойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-бароқа ҳукми бўлган маскани тасаввур қиламиз. Қолаверса, ҳар қайси инсон, хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти кундан кунга ошиб бормоқда.

Бугунги йиғилишда муҳокама қилинган долзарб масалалар «Обод маҳалла йили» дастурида аниқ ифода этилган бўлиб, улар ҳақимиз ҳаётида энг зарур ва муҳим аҳамиятга эгадир. Чунинчи, болалар спортини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни кучайтириш, келса авлодга ғамхўрлик қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш каби қатор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу дастурини ҳаётга тўла таъбиқ қилиш ва бу каби олижаноб мақсадларга эришиш йўлида ҳаммамиз бир ёқадан бош қиқариб ҳажват бўлсак, уйлайманки, яхши натижаларга эришамиз.

Дарҳақиқат, ҳамшаҳарларимиз «Обод маҳалла йили» дастурини бугунги кунда жойларда ўрганиб чиқиб, унда белгиланган етти та йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олмақдлар. Айниқса, фарзандларимизни ёшлардан спортга жалб қилиш уларнинг келгусида соғлом, бақувват, ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб вояга етишларига асос бўлади, албатта.

Дилором ИКРОМОВА

«Тошкент оқшоми» газетаси пойтахтимиз ҳаётининг, қолаверса, республикаимиз ижтимоий-маиший турмуш тарзининг матбуотдаги етакчи кўзгуси ҳисобланади. Тахририят иждоий гуруҳининг хайрли ташаббуси билан «Дилдаги гаплар» рунининг ташкил этилиши том маънода дилдаги гап бўлди.

Халқ миллий удумларига қизиқишим боис, миллий ўйинларимиз ҳақидаги дилдаги гапларни қозоғга туширдим. Кадрли газетхон, сизга маъқул келса хурсанд бўлардим.

Қадриятлари бардавом халқнинг эртаси нурафшон

Шукрлар бўлсинки, юртимизнинг ҳар бир гўшасида Истиқлол нашидаси ҳукм сурмоқда. Тоталитар мафкура ўтмишига айланди. Дарвоқе, бугун халқимизнинг асрлар силсиласида кўз қорачиғидай эъзозлаб келган миллий қадриятлари миздан бири — халқона ўйинларга муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

Тарихий саналарга эътибор қаратамиз:

• 1994 йил. Шу йил Жиззахда I-Республика «Халқ ўйинлари» олимпиадаси бўлиб ўтди.

• 1998 йил. Термизда «Алломиш» дostonининг минг йиллигига бағишланиб, «Алломиш ўйинлари» фестивали ўтказилди.

• 1996 йил. Тайланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтган Бутун дунё халқ ўйинлари фестивалида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди...

Офарин... халқимизнинг шундай мард ўғлонлари бор экан, бугун дунёнинг биздан минглаб қақирим узокликда жойлашган давлатларида миллий қадриятларимиз сарчасмаси — халқона ўйинларимиздан намуналар намойиш этилмоқда. Буларнинг барчаси Истиқлол берган имконият, мамлакатимизнинг порлоқ истиқболни учун қайғурган, фидойий Юртбошимизнинг ҳар томонлама пухта, пишиқ сиёсатларининг натижаси. Аслида ҳам юртинг эртаси учун жонбозлик кўрсатиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат баҳо келтириш, уларга содиқ қолиш ҳаммаимиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Сир эмас, мустабид тузум даври кўпгина қадриятларимиз катори, миллий ўйинларимизни ҳам топтади. Пировардида, аксарият юртдошларимиз «Кураш», «Пойга», «Улоқ», «Чавгон», «Ўт бандал», «Оқ суяк», «Қорағуни», «Машъала ўйини» сингари миллий ўйинларимизнинг ҳатто номини ҳам эшитмайдик ўсди. Ҳақиқат аччиқ, аммо мағзи ширин бўлади, дейишадими донолар. Ушбу сатрлар муаллифи ўтган асрнинг 88-йилларида, халқимизнинг энг қадимий ўйинларидан бири: «Улоқ» (кўпқаб)га миллияда орқали зўравонлик қилинганнинг шахсан гувоҳи бўлган.

Бинобарин, ўйин — азалдан ёшларни ҳаётга тайёрлаш мактаби, истеъдодли, қобилиятли ёшлар минбарни вазифини ўтаган. У орқали келажак ниҳолларининг онгги, тафаккури, жисмоний ва руҳий имкониятлари мустаҳкамланиб борилган. Биргина «Чавгон» ўйинини олинг. Буюк боқалонимиз ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур

даврида ниҳоятда оммавийлашган ва унинг муносиб воҳрисларидан бири — Заҳриддин Бобур томонидан Хинд тупроғига ҳам олиб берилган ўйин, лашкарнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун уюштирилган. Шарқ алломаларининг акмиздан бири —



Хўш, бугун-чи, бугун уларга муносабат қандай? Ёки ёши катта, узок йиллик бой турмуш тажрибасига эга кексаларимиз бу ҳақда нималар дейишадими.

Эсон бобо Сафаров, 85 ёшда: — Бизлар ёшлик пайтимизда кўпроқ турли ўйинлар ўйнардик. Отам раҳматлик, қўлингга қувват бўлади болам деб, чиллак таёқ ясаб берган эди. Роса чиллак ўйнардик... Хозирги ёшларга ҳайронман. Кун бўйи машинадан тушмайди. Қўлини совуқ сувга урмайди. Шундай бўлгандан кейин у албатта чиникмасдан, нозик-нихол бўлиб ўсади. Йигит деган «улоқ» чоп-маса, енг шимариб шердай наъра тортиб кураш тушмаса, ким айтади, уни йигит деб...

Хасанбек Турдиев, Тошкент Молия институти талабаси, 22 ёшда: — Тўғриси айтсам биз кўп ўйин ўйнаганимиз йўқ. Кўпроқ китобга ишқибоз эдим. Китоб жони дилим эди. Уйинга вақт сарфлашга қизганардим. Пойтахтга ўқишга келган, вақт мен учун ҳаёт-мамонт масаласига айланди. Компьютер ўрганганман. Миллий ўйинларимиздан бор-йўғи тўрт-бештасининг номинигина санаб бера оламан...

Биз XXI асрда, юксак технология ва ахборот телекоммуникациясининг энг ривожланган палласида яшаймиш. Зотан, инсоннинг турмуш тарзи, онги, дунёқараши ўзгаргани сайин маданий фаоллашув даражаси ҳам янги пиллапояларга кўтарилади. Табиийки, ижтимоий-маиший ҳаётдаги баъзи меъёрларнинг бузилиши кенг фикрли, узок йиллик, бой турмуш тажрибасига эга кишиларни мушоҳадага қорлайди. Қаердир ўқиганим бор. Бундан минг йиллар муқаддам мисрликлар қоя тошларга шундай сўзларни битишган экан: «Болаларимиз бизнинг айтганимизни қилмай қўйишди».

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

камчиликлар бартараф этилди. Фаррош ва ишчилар белгиланган жадвал бўйича ишчилик бориш ҳамда чиқиндилари ўз вақтида олиб чиқиб кетиб, йиллик қолишига йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди. Бу борада қаттиқ назорат ўрнатилди».

ЧОРА КЎРИДИ

Газетамизнинг 19 йил 20 январь сонидан эълон қилинган «Этиборсизлик ачонгача?», «Вақтлари бўлмади», «Сансалорлик давом эди» танқидий мақолалари юзасидан «Тошсисқуввати» ишлабқарши бирлашмаси техник директори А. Ва

лиев имзоси билан тахририятимизга куйидаги жавоб хати келди.

«Юқоридаги танқидий чиқишлар юзасидан келтирилган камчиликларни тузатиш бораида куйидаги ларни маълум қиламиз: Мировот тумани, Госпиталь даҳасидаги Пирмуҳамедов кўчаси 3-уйда яшовчилардан айрим хонадонларни баъзи хоналарида иссиқлик йўқлиги ҳақидаги шикоят юзасидан текширишларда шу нарса аён бўлдики, ҳақиқатан ҳам ўша хонадонлардаги стоак(тик қувур)лар чиқиндилар билан тўлиб қолганлиги сабабли етарли даражада иссиқлик узата олмаган. Ҳозирда ушбу уйга хизмат кўрсатувчи уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари томонидан бу камчилик тугатилди.

«Қорақамаш 2/4» даҳаси 3-уй 4-йўлакда истиқомат қилувчи хонадон

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

«Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор халқимизда. Ҳа, яхшиинсон хоҳ унинг ўз ҳовлиси бўлсин, хоҳ кўп қаватли уйда яшасин, ўзидан боғ қолдиради. Аммо, ҳозирда кўп қаватли уйларда яшовчи баъзи кишилар ўз томорқалари-ю кўча-йўлакларига бефарқ кўринадилар...

Эрта билан ишга, ўқишга отланиб кўчага чиққанингизда ҳаво мусоффо, атроф жим-жит. Инсоннинг кўнгли ҳузурланади, аммо кўзингиз неча кунлаб сулурги тегмаган йўлак ёки четда ётган чиқинди уюмига тушгандан бу кайфиятга доғ тушади.

Айниқас жазирама ёз кунлари баъзи (кўпинча янги мавзёларда) кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб борсангиз, соя берувчи бир туп дарахтни учратмайсиз. Ниҳол ўтказиб қўлайтириш у ёқда турсин, баъзи «баҳоналар» билан кўм-кўк дарахтлар ҳам кесиб юборилмоқда.

Бизнинг 6-Қорасув мавзёсида ҳам худди шундай бўлди. Фақат бизнинг айвонимиз ёнидаги тоқ сўриси сиқлаб қололдиқ, баҳор кунлари тўқиз қаватли уйда яшовчи бутун аҳоли шу тоқ баргидан фойдаланди. Агар шу ҳам қолмаганида оддий тоқ баргини ҳам бозордан сотиб олишга мажбур бўлардик.

Бу боғда ёз бўйи ўқроқ-қашинчлик, гуллар, дарахтлар яшнаб туради. Фақат ҳар бир томорқа атрофи ҳар хил панжаралар ҳамда буталар билан тўсилган. Ана шу барча тўсиқларни олиб ташлашди ва кўплаб мева дарахтларни болалар йўқ қилиб юборишди. Ҳеч ким ўз ерига қарамай қўйди, сувсиз қуриган дағ...

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОРАСТАЛИККА НИМА ЕТСИН»

Газетамизнинг 2003 йил 15 январь сонидан чоп этилган «Орасталикка нима етсин» мақоласи юзасидан Тошкент шаҳар Ободлаштириш бош бошқармаси бошлиғи С. Иброҳимов имзоси билан куйидаги жавоб хати олинди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«Газетада эълон қилинган мақолада кўрсатилган камчиликлар ва нуқсонлар жойларга чиқиб ўрганилиб, кенгайтирилган йилгида муҳокама қилинди. Унда чора-тадбирлар белгилиниб, «Буюк Ипақ йўли» метро бекати, «Фарҳод» бозори ер ости пиёдалар ўтиш йўлларидаги

ГАЗЕТХОН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

Муштарийлар кўпаяди

«Тошкент оқшоми» ташкил этилгандан буён ҳамшаҳарларимизнинг сеvimли газетаси бўлиб келаётгани рост гап. Бамина ҳам газета чоп этила бошлаганидан унинг доимий муҳлиси эканлигимни, юкамтарликка йўмангу ҳар бир сонини қолдирмай мутуола қилишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Шунга айтишим жоизки, «Тошкент оқшоми»да доим бир-биридан қизиқарли материаллар эълон қилинади. Айниқас, ахлок-одобга доир киши маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи мақолаларнинг кўплиги, шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиликларнинг тезкорлик билан ёритилиши, спортга кенг ўрин берилаётганлиги кишини қувонтиради. Дарвоқе, жорий йилдан «Оқшом» газеталарининг ҳафтада беш мартадан чоп этилаётгани билан табриклаш лозим. Яна шунга айтиш керакки, бунга зарурат бор эди. Чунки пойтахтимиз йилдан йилга гўзаллашиб, янада обод бўлиб бормоқда, ҳар соҳада катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларни ҳамшаҳарларимизга тезкорлик билан етказиш мақсадида ҳафтада 5 марта нашр этилаётган газета назаримда ўз олдида қўйган вазифани удаламоқда. Буни ҳар кунги ўқитган мақолалардан кўриб турибмиз.

Шу ўринда ўтган йили 16 октябрда муштарийлар ҳукмига ҳавола этилган Темур Убайдулло қаламига мансуб «Онамсиз отган

биринчи тонг» мақоласи каминанада жуда катта таассурот қолдирганини айтмасан бўлмас. Жорий йилнинг 7 январидан эълон қилинган Маннон Набиевнинг «Асал қони фойда» сарлаҳали мақоласини ҳар бир инсон мутуола қилишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки кишини илмий мушоҳадага ундовчи материаллар ҳам зарур. Хулоса қиладиган бўлсам шарафли, аммо инсонларга зиё-маърифат улашиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган «Оқшом» газеталари иждоий жамоасининг келгуси фаолиятига муваффиқият тилайман. Истагим газетада имкони борича ҳар бир соҳага юз бераётган янгиликлар ҳақида кўпроқ мақолалар ёритилса, келажакимиз ворислари учун аҳамиятли бўлган материаллар ҳам кенг ўрин аж

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлур...**

- Тартиб-интизомнинг мактаби — оила.
- Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади — болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир.
- Бола учун биринчи сабоқ, майли итоқкорлик бўла қолсин — шунда сен нимани зарур деб топсанг, ўша — иккинчи сабоқ бўлади.
- Инсон табиятига болаликдан сингдирилган фазилатларгина мустақкам ва ишончли бўлади.
- Олимлардан Рифъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзини берманг, меҳмондорчиликка чақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар келса, ёш болаларингизни улар ёнида ўтказиб, дастурхонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан шикоят қилманг. Мунофиқона равишда бошқаларни камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган рижор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларингизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб, мулоимлик билан буюринг. Мағрур, мутақаббир ва аччиқ сўзли бўлманг, оилангиз ва дўстларингизга ўзингизни севдиринг.

Илгари қилган бир яхшиликнинг ўзини ҳадеб қайтариб, мақтаниб юрманг. Орангизда бўлган, қариндошлик, дўстликка таяниб, улардан фойдаланиш орзусида бўлманг. Ҳеч кимни уялтирманг. Уятли латифаларни сўзламанг. Хайвонларга ҳам раҳмдил бўлинг, уларни уриб озор беришдан сақланг. «Ёшим катта бўлгани учун кичиклар ёнида нима сўзласам бўлаверадим», деб ўйламанг. Йиғилишда эр ўз хотинидан, хотин ўз эридан шикоят қилиши дуруст эмас. Йиғилишда ҳар хил муносабатсиз савол-жавобдан тортилинг, саволингизга жавоб беришни истамаган одамни «Жавоб бер» деб зўрламанг, одоб-тарбияга риоя қилинг.

- Байт:**
Кимки бўлса, хушчиरोю хулқилик,
Доимо кўргай жаҳонда яхшилиқ.
Яхшилиқ тухми саодатлар берур,
Гар тикан эксанг, оёғингга кирур.
 ● Олиму фозиллардан Абу Яъид айтади:
 — Энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан яхшилиқ қилади.
Байт:
Мардларнинг ишларин андеша қил,
То тириксан яхши ишни пеша қил.

• САНЪАТ

Болаларим мен бутун ҳаётимни, ижодимни халқимнинг бой мусиқа санъатини ўрганишга, ривожлантиришга бахш этдим. Бу оромбахш нафис, дилли ром этувчи сеҳрли халқ санъати мени ёшлик чоғларимданок ўзига ром этган. Мен битмас-туганмас ҳазина — халқимизнинг мусиқий бойлигини олти ўзбек макomini тўпладим. Булар «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Ироқ» уларни жамлаб «Шашмақом» деб атадим. Мақомларнинг ҳар бирини олти тоғ олтинларига қиёс қилгим келади ва мен гўзал ва бетакрор ижроларни ярата олганимдан бениҳоя хурсандман. Ишонаманки, сизлар ҳам халқимиз дурдоналарини асраб-авайлаб, янада тўлдириб, келажак авлодларни баҳраманд қиласизлар.



Мусиқий меросимиз заҳматқоши

Бу сўзлар муаллифи, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, ўзбек халқ мусикасининг чўқур билимдони, 12 жилдли китоб яратган Юнус Ражабийдир.

Яқинда «Зарафшон» концерт залида Юнус Ражабий таваллудининг 105 йиллигига бағишланган кеча ва «Юнус Ражабий» номидаги маданият марказининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Ижодий кеча Юнус Ражабий ижодига мансуб «Ушшоқ» кўйи билан бошланди. Сўзга чиққанлар Ражабийнинг мусиқа оламида ўзига хос мактаб яратганини таъкидлаб ўтдилар. Тоҳир ва Моҳир Ражабийлар «Ўрғилай» мусиқаси, ота-бола Хайрулла ва Нодир Лутфуллаевлар «Дилхирож» кўшигини ижро этдилар.

Эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари Фарруҳ Зокиров, Ғиёс Бойтоев, Нилуфар Раҳматова ўз кўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Юнус Ражабийнинг шогирдларидан таниқли санъаткоримиз Гавҳар Раҳимова устозини ёдга олиб, уларнинг ҳаётига оид қизиқарли воқеаларни сўзлаб берди.

Истиқлолнинг 10 йиллиги арафасида Юнус Ражабий «Буюк хизматлари учун» юксак давлат мукофотига сазовор бўлди.



Бундан ташқари унинг номини абадийлаштириш мақсадида: Ўзбекистон телерадиокорпорацияси қошидаги «Мақомчилар» ансамблига Тошкент шаҳар «Метрополитени» бекатига, бастакор истиқомат қилган маҳаллага, мусиқа билим юртига унинг номи берилган, 100 йиллик юбилей арафасида Юнус Ражабий уй музейи ташкил этилди.

Юнус Ражабий таваллудининг 105 йиллиги арафасида эса сулола давомчиларидан бўлмиш Рустам Ражабий томонидан «Юнус Ражабий» номидаги маданият маркази барпо этилди.

Маданият маркази ўзбек мусиқаси маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган, буюк мутафаккир олимларимиз, санъатшуносларимиз, мумтоз мусиқашуносларимиз меросларини ривожлантириб, кенг халқ оmmasи ўртасида тарғиб қилиб, уларни баҳраманд қилдилар деган умиддамиз.

Юнус Ражабийнинг ўлмас овози, камолга етказган шогирдлари устоз умрини боқий қилади. Йилларнинг саломини йилларга элтиб мангу яшаб юради. Унинг авлодлари эса, машаққатли меҳнат эвазига яратилган мусиқа асарларини янада бойитишга ҳаракат қилмоқдалар.

Гулҷеҳра ДУРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Бельгиянинг Льеж университетида «Ўзбекистон — Буюк ипак йўли вориси» мавзусидаги суратлар ва халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Ўзбекистон ва Бельгия университетлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари тарихий ёдгорликлари ҳамда юртимиз бой халқ унаромандчилиги намуналари билан таништирувчи экспонатлар намойиш этилган.

Бельгиянинг иккинчи йирик шаҳри бўлмиш Льежда илк бора ўтказилаётган ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг Брюссельдаги элчихонаси, Льеж университети бадий тўпламлари дирекцияси ҳамда мазкур университетнинг Европа жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Кўргазма иштирокчилари бельгиялик машҳур олим, Авесто китобининг энг йирик тадқиқотчиларидан бири Жак Дюшен — Гийеменнинг дин ва жаҳон маданияти тарихидан ўзига хос жой олган зардуштийлик дини ва унинг ватани бўлмиш Хоразм, Турон ва Сўғдиёна тўғрисидаги маърузасини мароқ билан тинглашди.

Ватанимиз тарихи ҳамда сайёҳлик имкониятларига бағишланган видеолавҳанинг намойиш этилиши ушбу маърузанинг мантқиқий давоми бўлди.

— Ушбу кунда Ўзбекистон

дўстлари сафига бир неча юзлаб бельгияликлар қўшилгани шубҳасиздир. Ватанингни энг ажойиб ва ўзига хос маданияти ва тарихи билан танишиш мўъжизакор Ўзбекистон ҳақидаги тасаввуримизни бойитди, — деди Льеж университетининг Европа жамғармаси Бош қотиби, университет халқро алқалар бўлими бошлиғи Анна-Мари Андрэ. — Бу эса университетимизнинг мамлакатингиз олий ўқув юртидан бири билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш жараёнини энгиллаштирди.

Университет бадий тўпламлари директори Жан-Патрик Дюшен ушбу тадбир ҳақида гапирар экан, шу кунларда шаҳарнинг бош кафедрал ибодатхонаси биносида ўтказилаётган тўқимачилик махсусотлари кўргазмасида Льеж архиепископининг X асрдаги либоси намойиш этилаётгани, энг қизиқарлиси, ушбу либос Самарқанд шойисидан тикилганини айтиб ўтди.

— Аслида, «Ўзбекистон — Буюк ипак йўли вориси» кўргазмасининг тарихи X асрдан бошланади, — дея сўзида давом этди жаноб Дюшен. — Ушбу кўргазмани томоша қилар эканман, Буюк ипак йўли ўтган давр мобайнида ўз аҳамиятини йўқотмагани, аксинча, яна қайта жонланаётганига амин бўлдим.

Ж. ДЕҲҚОНОВ,
«Жаҳон» АА, Брюссель.

• ТАНЛОВЛАР

Маҳаллаларнинг маънавий тадбир ўчоғи сифатидаги мактебини янада ошириш, ота-боболаримиздан мерос қолган қадриятларимизни, инсоний одат ва фазилатларни сақлаш ҳамда келажак авлодга етказиш давр талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам шаҳримизнинг ҳар бир туманларида, маҳаллаларда «Обод маҳалла йили» муносабати билан турли хил тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

МАҲАЛЛАМ — ФАҲРИМ

Куни-кеча Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қилиш кўмитасида туманлар ва шаҳар миқёсида уюштирилаётган «Маҳаллам-фаҳрим» кўриктанлови низоимнинг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар табиати муҳофазат қилиш кўмитаси, «Маҳаллам» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорликларида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда иштирок этганлар Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2002 йил 16 декабрдаги «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Фармойиши белгилаб берган вазифаларни тўлақонли бажариш шарт эканлигини таъкидлашди.

Икки босқичда ўтказилиши мўлжалланган ушбу танловнинг биринчи босқичи шаҳримиз туманларида 10 мартга давом этади, голиблар «Маҳаллам-фаҳрим» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида қатнашадилар.

(Ўз муҳбиримиз)

• ҲАМКОРЛИК

Бу билим даргоҳининг бир гуруҳ мутахассислари хизмат сафари билан Германияда бўлиб қайтидилар. Улар Германия техника ҳамкорлиги жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, янги хил мутахассисликларни тайёрлаш бўйича ўқув машғулотларини йўлга қўйдилар.

Илғор тажриба қўл келди

Чиндан ҳам Тошкентдаги машиин хизмат коллежининг немис жамияти билан ҳамкорлиги самарали бўлмоқда. Шу алоқа герман лойиҳаси асосида юзага келди.

Эндилқда Германия тажрибаси бўйича офис-мене-

жерлар, умумий оқватланиш корхоналари учун кичик технологлар тайёрлашга киришдилар.

Коллежда бу каби ўқув машғулотларини олиб боришда жамият мутахассислари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

Кулинг дўстлар, умрингиз узун бўлади



• СОИБ ХҲЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

Сочга қараб баҳо беришади

Соиб Хўжаев қўшинининг бир ўғли шўро даврида бир неча йил Москвада ўқиб, сочини ўстириб, «отнинг думи» қилиб келипти. Бўйида занжир, кулонининг бир томонига зирак ҳам тақиб олипти. Буни кўрган Соиб Хўжаев:

— Ия, Дўмбирбой, Москвада ўқиб, ақлинг ўсиш ўрнига сочинг ўсипти-ю, — депти ҳазиллашиб.

— Амаки, Москвада ўқийдиган ўзабек йигитларининг ақлига қарабмас, сочинга қараб баҳо беришади. Сочни ўсгани ақли ўсган деб ҳисоблашади, — депти йигит.

— Шунанам, унда сочининг олдириб ташласанг, ўзимизнинг фирт пўстагимиз бўлиб қолар экансан-да.

«Пўстақ» сўзини тушунмаган йигит:

— Амаки, пўстақ дегани пўстақ деганими? — деб сўрабди.

— Тўғри таржима қилдинг, — депти Соиб Хўжаев.

Сувга чўкканда

Бир куни кинорежиссёр Али Хамроев бир фильмининг суратга олаётганда Соиб Хўжаев уйнайдиган қаҳрамон сувга чўкиши керак экан. Шунинг учун Соиб акани тез оқар сойга олиб бориб, суратга ола бошлашпти. Шунда ҳақиқатан ҳам Соиб Хўжаев ростмана сувга чўка бошлабди. «Мени кутқаринглр!» деб бақирди.

Режиссёр билан оператор сўйма табиий чиқаётганидан хурсанд: «Яхши! Яхши! Табиий чиқапти», — дейишпти.

Соиб Хўжаев чиндан сувга чўкканда йигитлар сувга тушиб, судраб олиб чиқишади. Али Хамроев келиб: «Табриклаймиз, ниҳоятда қар зўр чикди», дейди.

Шунда Соиб Хўжаев:

— Сенларга зўр. Менга сағал бўлмаса шўр бўлай деди, — деган экан.

Хурракни арслон отади

Соиб Хўжаевнинг сафарда амалдор киши билан бир хонада тунашига тўғри келади. Соиб Хўжаев хуррак тортиганда деворни тешиб юборгудек бўлар экан. Эрталаб амалдор киши ҳамма йиғилиб турганда Соиб акага ҳазил қилибди:

— Соибжон, кечаси сиз хуррак отдингизми? Ёки бирон қассоб ҳўкиз бўғизладими?

— Ха, амалдор ака, хурракни мен отдим. Аслида хурракни арслонлар отади. Тулкилар улаёлмади чиқади, — деганда бирдан гур кулги кўтарилибди. Амалдор айтган гапидан мулзам бўлипти.

Қабулда Олим Хўжаев ўтирибди

Машҳур артист Олим Хўжаев Муқимий театрининг янги спектаклини қанда қилмай кўриб турар экан. Шундай спектакллардан бирига бориб, биринчи қаторда ўтиради. Спектакль бошланади. Асар воқеаси бўйича Соиб Хўжаев қозининг хизматқори ролини ўйнар экан. Хизматқор қозининг олдига кирганда:

— Хой, яна ким қолди, арз билан келган? — деб сўраса, Соиб Хўжаев биринчи қаторда ўтирган Олим Хўжаевни кўриб қолибди:

— Тақсир, қабулда Олим Хўжаев ҳам ўтирибди. Унинг ишини ҳам тез ҳал қилиб берсангиз бўлди, — дейди.

Олим Хўжаевни кўрган ва таниган одамлар гур этиб қулиб, гулдурдос қарсақ чалиб юборишади.

Учган қалиш

Бир куни «Тошболта ошиқ» спектаклида Соиб Хўжаев қиядиган қалиш қолиб, унга катта қалиш бериб юборишади. Шу куни бир одам уйланганига Йигирма йил бўлгани муносабати билан хотинини «Тошболта ошиқ»қа олиб тушган бўлади. Тошболта тепаман деганда катта қалиш учиб келиб, ҳалиги хотиннинг бошига тушади. Хотини хафа бўлиб:

— Йигирма йилда бир марта театрга олиб тушиб, яна бошимга қалиш билан урганиз нимаси, — деб эри билан жанжаллашади.

Шунда Соиб Хўжаев сахнанинг четига келиб:

— Хой, биродарлар, жанжални уйга бориб қилсангизлар ҳам бўлади. Қалишни менга узатиб юборинглр. Бўлмаса, сизларни деб мен махсусан спектакль уйнайми? — дейди.

Залда гур кулги кўтарилади. Эр-хотин ҳам қулиб, чапак чалишади.

Хайдар МУХАММАД

Хандалар

Эшик тақиллабди. Уни очган келин не кўз билан кўрсинки, оstonада қайнонаси турарди. Шу ернинг ўзида бўлиб ўтган омонмисиз-эсонмисиздан сўнг келин қайнонасига ич-этини емираётган саволни берибди:

— Вой, келиб бирам яхши қилиб-сизки, ўзи невараларингиз «бувимга бораман», деб роса гафго қилишаётганда. Анча турарсиз-а?..

— Ха, болам. Жонингизга текуним-

ча тураман.

— Вой, ҳеч бўлмаса, бир пиёла чой ҳам ичиб кетмайсизми?!

— Таътилни қандай ўтказмоқчисан?

— сўради бир киши дўстидан.

— Бу ҳақда ўйлаб кўрмадим, фойдаси йўқ.

— Нима учун?

— Чунки қачон дам олишим бош-

лигимга, қаерда дам олишим хоти-

СУДЬЯ

ХАЖВИЯ

— Шошма, шошма! Ҳей менга қара! Узимизнинг Сўтақулиман?

— Одамбой? Ҳей онагарди боласи, бу ерда нима қилиб юрибсан, зангари?

— Ҳар нарса бўлай, сени шахарда кўрдим, десам ҳеч ким ишонмайди.

— Ўн йилдан ошдиёв дийдорингиз кўрсатмаганингга, — у, шундай деб, Сўтақулни елкасига туртиб қўйди.

— Мактабни битирганимиздан кейин учрашмадигов, — деди у ёнидан носвой шиша олиб. — Ўзинг нима қилиб юрибсан, пишак?

— Ўзингчи, тулқивой, — деди

Одамбой уни қаттиқроқ туртиб:

— Э, сўрама, жўра, осмоннинг остида, ерининг устида юрибмизда ризқимизни териб, — деди тилининг остига талқон носдан ташлаб, —Зангари, муштэк қоринни тўйгазаман деб, тирикчилигинг мен кирмаган ҳўкучаси қолмади, чиқаров!

Сўтақул қўлидаги оғир сумкани ерга қўйди.

— Қишлоқдан қачон чиқдинг?

— Қишлоқданми? Қишлоқдан чиққангима етти йил бўлди, ошна.

— Бир шахарда яшаб туриб учрашмаганимизни қара-я! У шундай деб ҳамқишлоқнинг усти-бошига разм солди. Кийим-боши оддий.

— Ўзларидан сўрасак, нималар қилиб юрибдилар?

Сўтақул оғзидан носни ташлабди, — судьялик қилпимиз ошна, — деди лабини кафтининг орти билан артиб.

— Судья!?

Одамбой бирдан хигча тортиб қолди.

— Ростданми? Судья? Сизга? Ҳей ростданми? Эҳхэ! Эҳхэ! Бизнинг дўстимиз Судья! Эҳхэ — эҳхэ!

— Секин. Ие! Жинни бўлдингми, — деди атрофга кўз ташлаб. Секин, одамлар нима дейди?

— Одамлар? Қанақа одамлар? Одамлар эмиш! Одамлар билиб қўйсин, бизнинг қишлоқдан чиққан Незьмат подачининг ўғли Сўтақул каттақон судья. Ана. Айтмадимки, бир кунмас — бир кун бизнинг елкамизга ҳам офтоб тегиб қолар, деб. Қани энди биронтаси биз билан ҳазиллашиб кўрсинчи.

У шундай деб елкасини кериб қўйди.

— Судья!
— Мен ахир... ҳалиги...

Одамбой уни гапиртиргани кўймади.

— Шошманг, шошманг қайтадан бир кўришиб қўяйлик!

Сўтақулни белидан қисиб кўтарди-да, бир айлантириб ерга қўйди.

— Оббо, судья дўстим-ей! Қишлоқдагиларнинг бу гапдан хабари борми?

— Йўқ, мен... ахир...

— Яхшиямки эшитишмагани.

«Эшитишди» дегунча суваракдек шахарга оқиб кела бошлади. Шунинг учун бу хабарни хозирча овоза қилмай турганингиз маъқул. Хўш, устангангиз қаерда? Машинангиз ҳўйнахой «Мерседес бенс» нинг энг сўнгги модаси бўлса керак. Қойилман, сизга ошнажон!

— Олдин гапни эшитсангчи,

— деди Сўтақул автобус келадиган томонга қараб.

Одамбой бўлса худди лотореяга машина ютиб олган одамдек, оғзи қулоғида гапдан тўхта-масди.

— Эй қўйсангчи, — деди Сўтақул тишини гичирлатиб, — Машина у ёқда турсин, участканинг ўзи йўқ.

— Бу чўпчакни бошқаларга айтсангиз ишонади, — деди Одамбой костюмининг тугмасини ечиб, — Судья бўладиларку участкалари бўлмайдами? Камтарлик қилманг жўражон.

— Қанақа одамсан ўзи. Ёлгон гапирсам тил тортмай ўлай. Беш йилдан бери ижарада яшаб юрибман. Хотин икки болани олиб онасиникига кетиб қолган. Кундузи бозорда арава тортиб кирақашлик қиламан.

Кечқурунлари шахмат -шашка клубига бораман бўлмас?

— Уша ерда, мактаб ёшидаги болалар ўртасида ўтказиладиган, шашка бўйича мусобақаларга ёрдамчи судьялик қиламан ошна.

— Лаббай? Йўғ-э! Сен- а? Шашкачилар судьясиман дедингми?

Мен бўлсам... Исмнинг билиб Сўтақул қўйишган экан. Омон бўл, шашкачилар судьяси!!

У шундай деб, хайр-маъзурни насия қилдию, ердаги сумкани кўтариб, қўчининг нариги бетига ўтиб кетди.

Сўтақул бўлса яна носвой ишини олиш учун чўнтагига кўл сўқди.

Жўра МАХМУД

• ҚУЛОҚҚА ҚАЛИНГАН ГАПЛАР

Бир оғайнинг бор, доим қовун тушириб юриди. (Йўловчилар суҳбати)

Ёшлигиндан чекиб сигарет, қариганда бўласан скелет! (Отанин неварасига танбеҳи)

Шарақлаб қулганида оғзида бир ҳовуч олов ловуллаиди (Ошиқнинг мактаниши)

Нотикнинг севги, дўстлик тўғрисидаги маърузаси нафақахўрларда катта таассурот уйдотди. (Маҳалла оқсоқолининг хабари)

Иссиқ ёз кунининг қоқ ярмидаги ойдин романтика. (Ёш қаламкаш ҳўкоясидан)

Ошга келувчиларнинг вой-вууй, одамлар тупроқ денг. Ҳофизларнинг додалари хизматда! (Тўйбеканиннг мактаниши)

У ўз севгилисига худди сичқонни кўриб қолган мушукдай бутун вужуди билан қарамоқда эди. (Радиолаҳадан)

Бу ўртоқ одамларни қулдириш учун қовунга пиёз қўйиб еган. (Қатиқ бозоридаги кампирлар гўйбати)

Сувни ўғирда узок вақт майдалаб тўйиб ўтирмай, дарров максадга ўта қолдим. (Улфатлар гурунгида)

Бирдан болаларнинг шодомонлик қий-чувлари бошланиб кетди. (Репортаждан)

Кулганида лапатка башара оппоқ афти жуда-жуда очилиб кетади. (Бўлажак қўевнинг ошнасига дегани)

Хусанбой ТОЖИМАТОВ



А.Хакимов чизган расм.

Н.А. 2001

нимга, қолгани эса чўнтакка боғлиқ.

— Сен ростдан ҳам қизингни касирингиз угаздингми?

— Ҳа.

— Қандай қилиб? Ахир сен унга ишонмасдинг-ку?!

— Ҳамма ўғирлаган пулларини баррибир қизимга олиб келиб беради-да.

Бир америкалик киноолдуз дўгона-

сига деди:

— Билсанми, Гори билан никоҳимизни кечитиришга тўғри келяпти.

— Вой, нимага?

— Чунки мен хозир Фредага турмушга чиқаяпман-да.

Касалхона ошонасида бемор ҳамширага мурожаат қилляпти.

— Қизим, менга пичоқ билан санчки беришни унутдинг, шекилли?

— Мен улари сизга атайин бермадим, отахон. Чунки врач Сизга парҳез қилишни, овқат билан бирга ҳеч қандай ўткир нарсаларни ишлатмасликни тайинлаган.

Азамат ШОКИРОВ

Спорт

**МУСОБАҚАЛАР
НИҲОЯСИГА ЕТДИ**

Жиззахда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Баркамол авлод» спорт уйинларининг вилоят босқичи ўтказилди. Айни пайтда спортнинг тўртта тури бўйича уюштирилган баҳслар ниҳоясига етди. Умумжамоа ҳисобида Жиззах олимпия заҳиралари коллежи талабалари пешқадамликни кўлга киритишди. Чунки баскетбол, кўл тўпи (қизлар ва ўғил болалар), мусобақаларида олимпия заҳиралари коллежи жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Дарвоқе, ўзбек кураши мусобақаларида мазкур илм маскани ўқувчилари Рустам Намиров (55 килограмм), Шерали Авалбаев (55 килограмм), Восиб Хотамов (60 килограмм), Нуриддин Умурзоқов (71 килограмм), Воҳид Хамроқуллов (77 килограмм) ваэнларда голибликни кўлга киритиб ўз жамоалари галабасига муносиб ҳиссаларини кўшишди.

**МАГЛУБИЯТ БИЛАН
БОШЛАШДИ**

Ҳар йили футбол бўйича Фарғона вилоят ҳокими кубоги учун ўтказилаётган турнирнинг жорий йилги мусобақаси мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Нефтчи»га омад келтирмади. Икки гуруҳга бўлинган ҳолда 11 жамоа иштирокида ўтган ушбу мусобақанинг гуруҳ баҳсларида «Нефтчи» ҳамда Қувасойнинг «Цементчи» жамоалари икки таркиб билан «Навбахор» ва «Андижон» ўринбосарлари билан иштирок этишди. Дарвоқе жорий йилги турнирда Қирғизистоннинг «Домота» (Жалолобод) жамоаси ҳам қатнашгани кувонарли ҳол. «А» гуруҳида Қувасойнинг «Цементчи» жамоаси иккинчи таркибига имкониятни бой берган Юрий Саркисян шоғирдлари «Б» гуруҳида «Цементчи-1» жамоасидан яна енгилди. Хуллас, ҳар иккала гуруҳда рақибларидан бирон марта маглубиятга учрамаган Қувасойнинг «Цементчи» ҳамда «Цементчи-1» жамоалари Фарғона вилояти ҳокими кубоги турнирининг голиблигини кўлга киритди.

**РАҚИБ ҚҮЛИ
БАЛАНД КЕЛДИ**

Қатарнинг пойтахти Доха шаҳрида жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари ўртасида ташкиллаштирилган халқаро турнирда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Ирода Тўлағанова дастлабки учрашувда италиялик рақибни Жанеттини маглуб этиб кейинги босқичга йўланма олганди. Россиялик Елена Лиховцева билан кечгани иккинчи учрашувда Иродага омад қилиб боқмади. Икки сет давом этган бахс 1/6, 4/6 ҳисобида россиялик теннисчининг галабаси билан якулланди.

**«РАДИО ГРАНД» —
ГОЛИБ**

Истиклол шарофати билан юртимизда янги спорт тури боулнинг ҳам аста-секин ривожланиб бормоқда. Яқинда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари жамоалари ўртасида биринчи марта боулнинг бўйича турнир уюштирилди. Шуниси эътиборлики, 16 жамоа ушбу мусобақада голиблик учун астойдил кураш олиб борди. Турнир якунида эса биринчи ўрин «Радио Гранд» жамоасига насиб этди. Голиб жамоа аъзолари мутасаддиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.


Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТАҚДИМОТ

Маънавият ва маданият маскани ҳисобланган театрлари-миз янги тўлақонли ва мазмунли спектакллар билан бойиб, санъат ихлосмандларини тобора ўзига чорламоқда.

**«МУҚАДДАС
ТАХТИЗАР»**

Айниқса Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида кейинги йилларда бир қатор янги асарлар, жумладан «Усмон Носир» (Н. Рашидова), «Бир қадам йўл» (У. Азим), «Қаллик йўйини» (Э. Хушвақтов) номли буюк ўтмишимиз, халқимиз жасорати ва миллий қаҳрамонликлари, қадриятларимизни ўзида ифода этган спектакллар



яратилиб томошабинлар эътиборини қозонди.

Айни кунларда театримиз саҳнаси яна бир янги саҳна асари билан бойиди. Кунни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида «Муқаддас тахтизар» (Спитамен) номли тарихий драманинг тақдими бўлиб ўтди. Маросимда таъриқ адабиётшунос, театршунос, санъатшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар. Ушбу спектаклни ёзувчи Йўлдош Муқимов драматург Хайитмат Расул билан ҳамкорликда яратишди. Бу драмада буюк Турон юртининг тарихий қаҳрамони, мард ва жасур ўғлони Спитамен ва босқинчилиги билан ном таратган Искандар Зулқарнайн (А. Македонский)нинг ёвузликлари ўз ахсини топган. Спектакл ўз саҳнага кўчмачи режиссёрлар А. Исмоилов, М. Рашидов бўлиб М. Тўраев моҳирона расмоллик қилган.

Спектаклдаги асосий ролларни таниқли актёрларимиз



У. Тиллаев, Ўзбекистон халқ артистлари М. Абдуқундузов, Р. Иброҳимова, Я. Абдуллаева, Р. Авазов ва бошқалар маҳорат билан ижро этганлар.

Спектаклни зўр иштиёқ ва катта қизиқиш билан томоша қилган санъат шайдоларининг қалблари фахр-ифтихорга чулғаниб бой таассуротга эга бўлдилар. Томошадан сўнг йўлчилар янги саҳна асари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Сотимбой ТУРСУНБОВЕВ,
театршунос олим, профессор:**

— Шундай спектакллар бўладики, унда ак эътирилган кўнгилсизликлардан қалб-бан тўкилиб чиқасан, баъзиларини кўрганда қалбинг фахрга, қувончга тўлади. Бугунги янги саҳна асари ўтмишимизнинг қаҳрамонона тарихини, жасоратини акс эттирганлигини кўриб хурсанд бўлдим. Муқаддас тахтизар — бу Турон заминининг тимсоли. Уни ҳеч ким ололган эмас. Бу халқ, юрт тимсоли. Спектаклда актёрлар ҳаётлиқлини шоирона ифода усули билан уйғунлаштирилган ҳолда ўз ролларини катта маҳорат билан ижро этганлар. Асарнинг буюклиги ҳам ана шунда. Спектаклдаги она образлари ҳам жуда таъсирилик қилган. Мен спектаклдан бир олам завқ олдим. Миллий академик

театримиз номига муносиб ушбу спектакль билан барчангизни табриклаймиз.

**Баҳриддин
НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
санъатшунос:**

— Мустақиллигимиз шарофати билан драматургиямиз ва саҳна санъатимизда рўй бераётган ажойиб ўзгаришлар, дадил бурилишлар ижодий изланишлардан далолат бериб турибди. Ёзувчи Йўлдош Муқимовнинг «Мўътабар тахт» деб номланган адабий-тарихий асари ушбу спектаклга асос бўлган. Ушбу тарихий драмада Турон элининг буюк қаҳрамони Спитамен манфур ёғиларга қарши мардонатор курашиб, ўз давлати, унинг муқаддас тахти учун жон бериб, қон кечгани, беназир жасорати ёрқин ифода этилган.

Ўзининг янги биноси саҳна-сига ярашиқли, салмоқли, таъсирчан ҳамда бадиий жиҳатдан салобатли спектакль билан Миллий академик театримиз ўз мухлисларини, талабчан томошабинларини қониқтира оладиган спектакль яратган, деб уйлаймиз.

**Гулором ҲАМИДОВА
СУРАТЛАРДА: «Муқаддас
тахтизар» (Спитамен) спек-
таклидан лавҳалар.**

Раҳмонбек Исмолов
олган сурат.

ШИФОБАХШ ҲУСИМЛИКЛАР

АТИРГУЛ МОЙИ

Атиргулнинг нафақат ўзи, гултожбарглари шифобахш хислатларга эга бўлибгина қолмасдан, балки ундан олиннадиган мой ҳам жуда кўп хосиятларга эга. Атиргул мойи жуда қадим замонлардан халқ табибати амалиётида кенг қўлланиб келинади. Унинг хосиятлари ҳозирги замон тиббиётида ҳам инobatга олинмоқда. Жумладан, Болгарияда олимлари атиргул мойи шамоллаш билан боғлиқ йирингли касалликларда, ўпка яллиғланишида ва ўпка қорасинга ижодий таъсир қилишини аниқладилар. Атиргул мойининг яна бир хосияти нафас йўлидаги шиллик пардаларни ташқи таъсиротдан, бронх мушакларини тиришишдан сақлайди. Адабиётларда келтирилишича, Болгарияда атиргул мойидан зикнафасни (бронхиал астма) самарали даволамодилар.

Атиргул мойи қуйидаги усулда олинади: атиргулнинг янги гултожбарглари кунжуқ ёки зайтун мойига солиниб, идишни офтоб тиги тегадиган жойга қўйилади. Бу жараён гултожбарглари кизил ранги оқариб қолганига давом эттирилади. Шундан кейин гултожбарглар майдан сиқиб олиниб ташланади, яна ўша мойга янги гултожбарглар солиб қўйилади. Бундай амал 7 мартагача қайтарилди. Шунда хомаки атиргул мойи ҳосил бўлади.

Атиргул мойини иккинчи хил усул билан ҳам олиш мумкин. Бунинг учун янги атиргул гултожбарглари дамлиниб қўйилган сув шунча миқдордаги кунжуқ ёки зайтун мойига солинади. Шундан сўнг идиш енгил аланга устига қўйилади-да,

аралашмадаги сув буғланиб кетиб, фақат мой қолганига сақлаб турилади.

Қадимий манбаларга қараганда, атиргул мойи иссиқ ҳамда совуқ миждоз кишиларга ҳам фойдаланиб ҳисобланади. У маълум даражада сурги омили бўлиб хизмат қилади. Атиргул мойи билан намланган латта бошинг изтиробли оғриғида пешона ёки боғи қўйилади... Бунда атиргул мойига сирка қўшилиши ҳам мумкин. Бундай амал миёна пешлайди, бедор уйқу хотиما беради, миёдаги шишларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради.

Атиргул мойи билан оғиз чайиладиган бўлса, тиш оғригини тинчлантиради. Атиргул мойи ичми юмшатиш хусусиятига эга бўлиши билан бир қаторда ич кетишини қолдиради, меъда яллиғланишини тинчлантиради, ичак яраларига, ичакнинг кескин қадалиб оғришига ёрдам бериб, оғриқни тинчлантиради.

Чуқур жароҳатлар атиргул мойи билан суртилса, янги тўқиманинг ҳосил бўлишини жаддалаштиради, яра ва жароҳатларни қуритиши билан бирга ундаги йирингли ёмон моддалардан холи қилади.

Атиргул мойини тухумнинг оқи билан қуйган жойларга суртилади, шунингдек кўзинг салқини қарши ҳам суртилади. Киши ўювчи моддалар билан заҳарланганида атиргул мойи билан тухум оқининг аралашмаси истеъмол қилинади. Атиргул мойининг истеъмол этилиши меъёри бир уқияга қадар бўлиши керак.



Баш муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-2970;
эълонлар —
133-28-95, 133-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
7587 нускада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
Ўзбекистон билан рўйхатда олинган

Нашрият етакчи бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтачига» — 133-7405 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳона.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, ҳузурли эълонлар ва ҳузурли бизнес бўлиш эълонларини, шунингдек таъйинларни, талавга қўтарилар, гўзал, юбилейлар муносабати билан кутубхоналар, эълон эълонлари ва шунга ўрнатиш имконияти ўз саҳифаларида берилади.

Эълонлар шанба ва ақшамдан тўшқини қор куну соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Матбуотчилар
ушбу телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:
МАТБУОТЧИЛАР
Кўчаси,
32-УЙ, 2-КАВАТ,
204-ХОНА.

Акмак Икромов туман худудий тиббиёт бирлашмаси, туман тиббиёт уюшмаси ходимлари 3-стоматология полик-линиккасининг бош шифокори Раузия Идрисовна Муסיнаяга онаси **Ф. И. ИСАМБАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.